

10. Bakhtigul Abdupattaevna Mamadaminova. Some Considerations about the Socio-Political Movements of Young Khivans / International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), Special Issue –IDMR 2021 April 2021. -P 50-52. @ www.ijtsrd.com
11. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattaevna. The State of Waqf Property in the Khorezm People's Soviet Republic. Journal of Ethics and Diversity in International Communication (JEDIC). Volume: 1 Issue: 7, 2021.-Pp.42-44. E-ISSN: 2792- 4017. www.openaccessjournals.eu
12. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattaevna The situation of education and its changes in KH-PSR // REMIE, Multidisciplinari Journal of Educational Research 2022. Pp-1-7
13. Mamadaminova Bakhtigul Abdupattayevna Economic Life in Khorezm in 1921-1924. And Processes in Cotton Growing // EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS) ISSN 2660-9630 www.ejlss.indexedresearch.org Volume 15, 2022.
14. *Ўрта Осиё коммунистик ташиқлотларининг тарихи.* – Б. 784.
15. *Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар).* Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. – Б.297.

ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРДА АГРАР СОҲА МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ботирова Ҳалима Эшмаматовна,
*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
 механизациялаш муҳандислари институти” ва
 Миллий тадқиқот университети “Гуманитар
 фанлар” кафедраси доценти в.б,
 Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd).*

Аннотация: Ушбу мақолада Республикаимизнинг жанубий ҳудудларда спорт соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида асосий эътибор соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни жисмонан ва маънавий камол топиши учун махсус давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий қилинди.

Таянчсўз ва иборалар: **соғлом турмуш тарзи, қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш, спорт майдончалари.**

Аннотация: В данной статье в результате реформ, проводимых в спортивной сфере в южных регионах нашей Республики, основное внимание уделялось формированию здорового образа жизни с целью улучшения условий жизни населения на селе. Были приняты и претворены в жизнь специальные государственные программы физического и духовного развития сельского населения, особенно подрастающего поколения.

Ключевые слова и фразы: здоровый образ жизни, популяризация спорта в сельской местности, дальнейшее улучшение культурно-бытовых условий жизни, спортивные площадки.

Abstract: In this article, as a result of the reforms carried out in the sphere of sports in the southern regions of our Republic, the main attention was paid to the formation of a healthy lifestyle in order to improve the living conditions of the population in rural areas. Special state programs for the physical and spiritual development of the rural population, especially the younger generation, were adopted and implemented.

Key words and phrases: healthy lifestyle, popularization of sports in rural areas, further improvement of cultural and living conditions, sports grounds.

Республикаимизнинг жанубий вилоятларида аграр соҳа мутахассисларнинг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида асосий эътибор соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни

жисмонан ва маънавий камол топиши учун махсус давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий қилинди.

2012 йили республика бўйича 108 та болалар спорт объекти фойдаланишга топширилиб, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болалар спорт билан мунтазам шуғулланди [1].

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда қишлоқларда 4 мингдан ортиқ спорт майдончаларида болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун турли тадбирлар ўтказилди. Оммавий спорт тадбирларида 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Шу билан бирга Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқларида жойлашган жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, уларни қайта жиҳозлаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида жанубий вилоятлардаги қишлоқ ҳудудларда 2795 та спорт майдончаси ободонлаштирилди, 744 та майдонча тикланди, 279 таси эса янгидан ташкил этилди [2].

Мустақиллик йилларида асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўтказилди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда қишлоқ ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишди. Бунинг 2011 йилги беллашувларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ёшларидан 130 мингдан зиёд ўғил-қизлари қатнашгани ва улар орасидан ўнлаб истеъдодли ёш полковлар кашф этилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Эътиборлиси, 2011 йилда турнирни ташкил этган маҳаллалар сони 2010 йилдагига нисбатан 685 тага, иштирокчилар эса 32 минг нафарга кўпайди. Мусобақанинг барча босқичлари замонавий спорт мажмуаларида ўтказилаётгани эса унинг нуфузи янада ошишида муҳим омил бўлди [3].

Қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси ҳамкорлигида ўтказилган «Отам, онам ва мен-спортчилар оиласи» номли спорт мусобақалари алоҳида ўрин эгаллади. Ушбу тадбирнинг вазифаси аҳоли орасида спортни ривожлантириш ҳамда касалликларга қарши профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришдир. 2011 йили мазкур мусобақанинг қуйи босқичлари 6726 та қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилиб, уларга 624 мингдан зиёд оилалар жалб этилди. Беллашувларда фаоллик кўрсатган республикадаги 11630 та оила ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди [4].

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида спортнинг шахмат ва шашка турига қишлоқ ёшларининг қизиқишини янада ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ЁИХ, Шахмат федерацияси томонидан «Шахмат ва шашка» турнири уюштирилди. Турнирнинг 2011 йилда маҳалла босқичларида 7068 та фуқаролар йиғинида ўтказилган бўлиб, уларда 137 минг нафардан зиёд қишлоқдаги ўғил-қизлари фаол қатнашдилар [5].

Аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштиришда экологик масалаларга ҳам эътибор берилиши лозимдир. Жумладан, қишлоқларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлар, айниқса, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси манфаатларини ҳисобга олиб буғ-газ ва сув электр станциялари қурилишини тезлаштириш, қишлоқларда қуёш ва шамол энергияларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқларда аграр соҳа мутахассисларнинг маданий-маиший турмуш шароитини

янада яхшилаш мақсадида асосий эътибор соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёш авлодни жисмонан ва маънавий камол топиши учун махсус давлат дастурлари қабул қилинди ва амалиётга жорий қилинди.

2012 йили республика бўйича 108 та болалар спорт объекти фойдаланишга топширилиб, 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 1 миллион 600 мингдан зиёд болалар спорт билан мунтазам шуғулланди [6].

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилган «Болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этишнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 2012 йилда қишлоқларда 4 мингдан ортиқ спорт майдончаларида болаларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши учун турли тадбирлар ўтказилди. Оммавий спорт тадбирларида 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Шу билан бирга Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари қишлоқларида жойлашган жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар томонидан болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш, уларни қайта жиҳозлаш бўйича ибратли ишлар қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида жанубий вилоятлардаги қишлоқ ҳудудларда 2795 та спорт майдончаси ободонлаштирилди, 744 та майдонча тикланди, 279 таси эса янгидан ташкил этилди [7].

Мустақиллик йилларида асрлар синовидан ўтиб келаётган миллий курашни янада ривожлантириш, унинг жаҳондаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар қишлоқларда ҳам амалга оширилиб, кўплаб халқаро турнирлар ўтказилди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика мусобақалари ташкил этилди. Ушбу мусобақаларда қишлоқ ёшлари катта қизиқиш билан иштирок этишди. Буни 2011 йилги беллашувларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ ёшларидан 130 мингдан зиёд ўғил-қизлари қатнашгани ва улар орасидан ўнлаб истеъдодли ёш полвонлар кашф этилгани ҳам яққол тасдиқлайди. Эътиборлиси, 2011 йилда турнирни ташкил этган маҳаллалар сони 2010 йилдагига нисбатан 685 тага, иштирокчилар эса 32 минг нафарга кўпайди. Мусобақанинг барча босқичлари замонавий спорт мажмуаларида ўтказилаётгани эса унинг нуфузи янада ошишида муҳим омил бўлди.

Қишлоқ маҳаллаларида спортни оммалаштириш, аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси ҳамкорлигида ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» номли спорт мусобақалари алоҳида ўрин эгаллади. Ушбу тадбирнинг вазифаси аҳоли орасида спортни ривожлантириш ҳамда касалликларга қарши профилактика ишларини анча юқори даражага кўтаришдир. 2011 йили мазкур мусобақанинг қуйи босқичлари 6726 та қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилиб, уларга 624 мингдан зиёд оилалар жалб этилди. Беллашувларда фаоллик кўрсатган республикадаги 11630 та оила ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида спортнинг шахмат ва шашка турига қишлоқ ёшларининг қизиқишини янада ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ЁИХ, Шахмат федерацияси томонидан «Шахмат ва шашка» турнири уюштирилди. Турнирнинг 2011 йилги маҳалла босқичларида 7068 та фуқаролар йиғинида ўтказилган бўлиб, уларда 137 минг нафардан зиёд қишлоқдаги ўғил-қизлари фаол қатнашдилар.

Хулоса қилиб қайд этиш зарурки, мустақиллик йилларида жанубий вилоятларда қишлоқ ишлаб чиқариши ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ёшларни касб-хунар билан банд қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишлоқнинг ўзида замонавий корхоналар ёрдамида қайта ишлаш, ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, бориш қийин бўлган ва олис аҳоли пунктларида телекоммуникация тармоқлари

ва почта алоқаларини йўлга қўйиш ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқларда фермерлик ҳаракатини янада қўллаб қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 18-ҳужжат, 2013 йил. –Б. 36.
2. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-ҳужжат, 2013 йил, 8 февраль. –Б. 23.
3. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 6-баённома, 3-ҳужжат, 2010 йил, 10 июнь. –Б. 36.
4. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги жорий архиви материаллари: Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессияси материаллари. 2012 йил 26 январь. –Б. 51.
5. ХудойшукуровЗ. Маҳалларда ўтказилаётган спорт тадбирларининг бош мақсадидир. «Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 8 февраль, № 27 (5701).
6. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 5-баённома, 18-ҳужжат, 2013 йил. –Б. 36.
7. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги жорий архиви, 2-баённома, 5-ҳужжат, 2013 йил, 8 февраль. –Б. 23.

СОВЕТ ИТТИҲОҚИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ФЕНОМЕНИНИНГ МАДАНИЙ ХОДИСА СИФАТИДА ТАҲЛИЛИ

Музаффаржон Мансуров,

А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот
институтининг етакчи илмий ходими
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
muzaffarzhon.mansurov.86@mail.ru

Аннотация: Тадқиқот мақсади Совет Иттифоқи йилларида Ўзбекистонда маданий туризмнинг туризм индустриясидаги ўрни ва аҳамиятини очиқ беришдан иборат. Даврий чегараси 1924-1991-йилларни ўз ичига олади. Тадқиқот иши қиёсий-тадрижий, даврийлик методлари асосида хориж манбалари ҳамда Совет Иттифоқи йилларида нашр этилган газета ва журналлар асосида таҳлил қилинган. В.А.Квартального, Г.А. Папирына, В.С. Малышева, Р.Ю. Поповой, О.П. Березкиной, Н.В. Михайловой, И.И.Ильиной. каби олимларнинг анализ методларидан самарали фойдаланилган. Совет Иттифоқи йилларида “темир парда” билан капиталистик мамлакатлар билан тўсиқ қўйилди. Шунингдек, туризм соҳасида махсус ахлоқ нормалари ишлаб чиқилди. Туризм социалистик тузум тарғибот қуроли сифатида фойдаланилган. Туризм ҳарбий ватанпарварликни тарғиб қилиш мақсадида спорт туризми имкониятларидан фойдаланилган. Бу орқали совуқ уруш шароитида ёшларни сафарбарликка яширин тайёрлашдан иборат бўлган. Хатто капиталистик мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар ҳам сиёсий полиция назоратида бўлган.

Калит сўзлар: туризм, мафкуравий компонент, туризм феномени, темир парда, совуқ уруш, ҳарбий ватанпарварлик.

Аннотация: Цель исследования - выявить роль и значение культурного туризма в туристической индустрии Узбекистана в годы существования Советского Союза. Срок включает 1924-1991 годы. Исследовательская работа анализировалась на основе сравнительно-поэтапного, периодического методов с опорой на зарубежные источники и газеты и журналы, издававшиеся в годы существования Советского Союза. В.А.Квартального, Г.А. Папирына, Британская Колумбия Малышева, Р.Ю. Поповой, О.П. Березкиной, Н.В. Михайловой, И. И.